




ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 2 август, сешанба № 122 (1963)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

ИШОНЧ



Хар қандай давлатнинг таракқиёти, иқтисодий салоҳияти, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи кўп ҳикматдан таълим-тарбияга бўлган эътибори билан белгиланади. Шу боис юртимизда таълим соҳасини ислоҳ этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини исчилик билан бошқичма-бошқич либераллаштириш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифлашиши ўзгаририлди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий ҳазорат тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда иқтисодий-сиёсий, қримноген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмакда.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг бошқичма-бошқич камайиб бораётганини Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутуви 30 дан ортиқ моддалардан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексида бундай моддалар сони 13, 1998 йилда - 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди. Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят - жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назар-

да тутилди.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазоси тайинлашиши мумкин бўлган жиноятлар сони жиноий жазога тортиладиган қилмишлар умумий сонининг бир фоизидан камроғини ташкил этади. Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган.

Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини исчилик йўлида эътиборга олади.

Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотларнинг моҳияти ва мазмунини, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини таъкидлаш мумкин.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислохотлар, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини таъкидлаш мумкин.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги исчилик ҳаракатларини асослаб беришни, жиноий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг аниқлаб этилишини кишилар онгида мустақамлашни таъкидлаш мумкин.

Ўлим жазосини умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан

боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёрларлик тадбирларини амалга ошириш лозим.

Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш таъриблиқ эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустақамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек жиноий жазоларни янада либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин.
2. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати 2006 йилнинг 1 январига ҳақиқатан Ўзбекистон Республикасининг Жи-

ноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар тайёрласинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослаш;

бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳрумлари сақлаш учун зарур иқтисослаштирилган муассасалар иншоотлари мажмуасини қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш чоралари, шунингдек ушбу муассасаларни молиялаштириш тартиби, уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.


4. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишларини ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2005 йил 1 август

И.КАРИМОВ



ТЕСТ СИНОВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

1 август куни Ўзбекистондаги барча олий ўқув юрталарига талабалар қабул қилиш бўйича тест синовлари муваффақиятли ўтди

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, аввало, қоним олган ҳақиқат бўлиши, етук мутахассислар тайёрлашда жаҳон андозаларига мос тизимни шакллантиришга ҳизмат қилаётди. Олий ўқув юрталарига кириш тест синовлари асосида амалга оширилмоқда. Ёшлар билимини аниқлашда бу усул энг ҳолис мезон эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Низомий номдаги Тошкент Давлат педагогика уни-

верситетида абитуриентлардан тест синовларини қабул қилиш жараёни тартибли, талабаларга мос тарзда ўтаётганининг гувоҳи бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда қабул қилинган мақоми тўғрисидаги Давлат умумийлиги дастурида мактаб ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган, дейди университет ректори Фафур-

жон Мухамедов ўза Мухбирга. - Бундай улкан эътибор ва ғамхўрлик ёшларимиз орасида ўқитувчилар касбида қизиқишининг янада орттишига сабаб бўлди. Бу йил университетимизга ўн тўрт ярим мингга яқин абитуриентдан ариза қабул қилинган бунинг ёрқин далилидир. Белгиланган режага кўра эса икки ярим мингдан зиёдроқ йигит-қиз талабалikka қабул қилинади. (Давоми 3-бетда)

Кўргонтепа туманидаги Маъмуробод қишлоғида яшовчи Абдуллажон Тоировлар хонадонига ҳамма хавас талдан қарайди. Катта оила аъзолари ҳалол меҳнат, талбиркорлик туфайли юксак кадр топдилар.

Бирок, бу кунларга осонликка эришилмади. Хонадон соҳиб шўролар даврида «Пахта иши» жабрдийдаси сифатида не-не қийинликлар, азобу қувватларни кўрмади дейсиз. Ўзбекистон Президентининг Фармони шарофати ила у тикан симлар ортидан озод этилди, пок номи оқланди.

У пайтларда Абдуллажон Кўргонтепа пахта тозалаш завоидига қарашли Деҳқончек пахта тайёрлаш пунктига мудирлик қиларди. 1982 йилнинг 1 ноябри хотирасида яши сақланиб қолган. Пахта яққақоқимлиги авжига чиққан, ҳамма нарса режани «ортиги билан» бажаришга қаратилган. «Оқ олтин» учун кураш аввало район партия комитетида, кундулик маълумотларда, рўзнома саҳифаларида борарди. Деҳқон ҳам, хашарчи ҳам ҳайрон. Сабаби, пахтазорлар оппоқ қорга бурканган. Шундай бўлса-да, терим суръатини бир сония бўлсин бўшаширмамаслик, қўзланган маррани албатта эгаллаш ҳақида кетма-кет буйруқлар бериларди. Шундай кунларнинг бирида Абдуллажон пагапага ёғатдан қорни хомушгина кўзатиб ўтирарди. Телефон жинглиди. Гушакни кўтарганида «биринчининг дўқ-пўписаси ашитилди.

«Яхшилаб ўқиб ол, бугунги кундалик маълумотга 42 тоннани қўшиб ёз, қолгани билан ишинг бўлмасин...»

Бундай галати топши-

маҳрум этилган эди-да.

Тоировнинг азобли кунлари бошланди. Зах хонада бир ҳафтадаёқ мазаси қочди. Туриб-туриб кадрларнинг тез-тез касал бўлишига сабаб бўлди. Уғилларидан бири қаттиқ дардага қалинб, вафот этди. Буларнинг ҳаммаси

оддий қишлоқ йигити А.Тоиров қалбига ўчмас из қолдирди.

Йиллар ўтди. Яқинда Абдуллажонни хонадонига йўқлаб бордик. Оқсоқларнинг чикиб келди. Айтишча, хибсхонадаги цемент пол устида ўтказган азобли кунлар ўз таъсирини ўтказибди.

Президент Фармони шарофати, Истиқлол туфайли қадимни тикладим, ўзини ҳақиқий инсондек эҳтиб элаш насиб этди. Қадрдон қорхонам яна бағрига олди. Ҳозирда ишлаб чиқариш бригадасини бошқараялман. Фарзандлар оёққа туриб, хайрли юмушларга қўл уришди, - дейди хурсандчилигини яширолмай сўхбатдошимиз.

Файзли ховлини биргалликда айланамиз. Ўн сотих томорқанинг уч сотиҳида терак қўчатлари яшаноб ўсмоқда. Жорий йилнинг баҳорида терак қўчатлари савдосидан 500 минг сўм даромад қилибди. Абдуллажон зотдор молларга ишчибоз экан. Кўрада-

Ким эдигу, ким бўлдик

ги қўй-қўзи, уч бош қорамол қўт-барақа манбаи экан. Ҳамма нарса ўзларидан чиқади. Қозон ҳам, чўчим ҳам мой, деган мақолнинг исботини шу ерда кўрдик.

Тоировлар яқинда бир ташаббус билан чиқишди. Зотдор новвосларни кўпайтириб, истеъмол бозорини мўл-кўл қилишга муносиб ҳисса қўшишга ҳазм қилишди. Маҳалла фаолларининг ҳикоя қилишича, Абдуллажон ва унинг фарзандлари савобли ишларни кўпайтиришга эришди. Қорхонада Эргаш Жўраев деган инсон меҳнат қиларди. Касбига фидойилиги туфайли шогирдларига ҳам ота, ҳам мураббий эди. Отанинг фарзанди Акбарали унинг йўлидан бориб, обрў-эътибор қозонаётган бир пайтда бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолди. Вақти келиб оила қуришга қўли калталик қилди. Абдуллажон ва у каби саховатпешалар Акбаралига ёрдамга келиб, унинг никоҳ тўйига бош-қош бўлдилар. Файзли хонадондан қайтар эканмиз, А.Тоировнинг дилидан чиққан гап шу бўлди:

«Дорилмон кунларга етиб келганимдан гоятда бахтиёрман. Қўлимни қўқимга қўйиб: Бор бўл Истиқлол! дейман.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири,

ЗУҒУМ

риқлар, дўқ-пўписалар ҳафта ўтган сайин кўпаярди. Абдуллажон деҳқон фарзанди эмасми, гирром ишлар, адолатсизликларни ўз кўзи билан қўриб, гоятда эзиларди. Аммо дардини кимга ҳам айтсин. Тал-васали кунларнинг бирида кутилмаганда унинг номига прокуратурадан қоғоз келди. Терговда мудир қарданига қўзбўламчилик, қўшиб ёзиш, давлатни алдаш деган айблар қўйилди. Ўзини оқлайман деса, гапиришга қўйишмади. Муайян вақт ўтгач пахта пункти мудирини ҳамда «Комсомол» колхозни раиси бошлиқ беш нафар моддий жавобгар иши судга оширилди. 90 кун давом этган суд жараёнида Абдуллажон Тоиров кўз қўриб, қулоқ эшитмаган дашонларга рўбару бўлди. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилганлигини куйиб-пишиб исботлашга уринса-да, айбисиз айбод бўлиб қолаверди. Ҳукм ўқилганида унинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ахир ўн йилга озодликдан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

2005 йил 28-29 июль кунлари БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасининг Қирғизистон бўйича тузилмалари томонидан халқаро ҳуқуқ ва БМТ қарорларининг барча қоида ва меъёрларини бузган ҳолда, Қирғизистон ҳудудидagi 440 нафарга яқин Ўзбекистон фуқароси гўеки инсонпарварлик эвакуациясини амалга ошириш йўли билан мазкур мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилди. Бу фуқаролар 2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда фожияли воқеалар содир этилган вақтда чегарадан ўтган ва Қирғизистон ҳудудига яшаб турган эди.

Одамларни олиб чиқиб кетишга оид барча тайёрлик ишлари ва ушбу тадбирнинг ўзи ўта махфий равишда амалга оширилди, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакилларида пинҳон тутилди.

Ўзбекистоннинг мазкур фуқаролари қайси мамлакатга олиб чиқиб кетилгани ҳақида расман эълон қилинмади ва бу ҳақи ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни таъкидлашни зарур деб ҳисоблайди.

Биринчидан, Ўзбекистон томони, Қирғизистон ҳудудига ўтган Ўзбекистон фуқаролари сони Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларидаги ҳафсизлик ва барқарорликка ҳеч қандай таҳдид солмагани учун бундай тадбирни ўтказишга бирон-бир асос йўқ эди, деб ҳисоблайди.

13 майдан кейин ўтган даврда уларнинг сони кўпайгани йўқ, аксинча, Андижон ва қўшни туманларда яшовчи бир неча ўн кишининг уйига қайтиб келиши ҳисобига қамайди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу шахсларга нисбатан ҳеч қандай айблов қўйилгани, таъқиб ва таъйиқ ўтказилгани йўқ.

Ўзбекистон ҳукумати Қирғизистон томони билан Андижондаги фожияли воқеаларга қадар ва улар рўй берган вақтда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиқда айбланаётган 29 нафар Ўзбекистон фуқаросини қайтариш юзасидан му-

зокаралар ўтказибган эди ва ўтказмоқда. Иккинчидан, Ўзбекистон фуқароларини гўеки инсонпарварлик эвакуациясини амалга ошириш йўли билан олиб чиқиб кетиш жараёнида барчага маълум халқаро меъёрлар, жумладан, БМТнинг 1951 йилда қабул қилинган Қочқинлар мақоми тўғрисидаги конвенцияси ҳамда унга 1967 йилда қўшилган протоколнинг асосий тамойили ва шартлари бузилди.

Қирғизистон давлат раҳбари томонидан ҳам, бу одамларни қабул қилиб, иш, нафақа, уй-жой ва бошқа шароит билан таъминлашга тайёр бошқа бир мамлакат томонидан ҳам БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари бошқармасига тегишли ариза ёки мурожаатлар бўлгани йўқ ва бу ҳақида оммавий ахборот воситаларида ҳам хабар берилмади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Қирғизистон расмий шахслари таъкидлаётганидек, ушбу мамлакат раҳбарияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ташқи кучлар томонидан «мисли қўрилмаган» таъйиқ ўтказилган, деб баёнот бериш учун бугун барча асосларга эга. Жумладан, иши терговда турган шахсларни эвакуация қилиш масаласида ана шундай таъйиқ ўтказилганининг ўзи қонунларнинг мақомини белгилаш бўйича қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг асосий тамойилларига зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги буларнинг барчасини «Ўзбек қочқинлари» деб аталмиш уйинини бошлаш ҳамда эълон қилинмаган ахборот хуружини давом эттиришга уринаётган ташқи кучларнинг воқеалар ривожига йўл қўйиш бўлмайдиган даражадаги қўпол аралашуви деб ҳисоблайди. Зеро, ахборот хуружининг амалга оширилиши ҳам, айни «Андижон операцияси» сингари, 13 май куни Андижонда фожияли воқеалар содир этилишидан олдин режалаштирилган эди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги қочқинлар масаласидек факулдада маълумиятлик бўлган ишда қабул қилинган халқаро меъёрлардан бирон-бир чекиниш ҳамда сиёсий уйинларга берилмишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ҳукумати Қирғизистон томони билан Андижондаги фожияли воқеаларга қадар ва улар рўй берган вақтда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиқда айбланаётган 29 нафар Ўзбекистон фуқаросини қайтариш юзасидан му-

БЕРУНИЙЛИК ТАДБИРКОР АЁЛ

Президентимизнинг "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида аёлларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатда юз бераётган демократик жараёнларга, жамият ва давлат турилишида иштирокини кучайтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди.

Қорақалпоғистонда ушбу Фармон ижросини таъминлашнинг аниқ йўналишлари белгиланган. Йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар учун 3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилганлиги фикримизнинг исботидир.

— Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, овуларда уларнинг меҳнат ва ўқий шарафларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш бўлган эътиборда турибди, — дейди биз билан суҳбатда Беруний туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким ўринбосари Пошшоҳон Кодирова. — Айни пайтда кишлоқ ва маҳаллаларда яшайдиган беш юздан ортиқ аёл ишбилармонлик



Бобур номидаги Андижон ил-ғазлама ишлаб чиқариш очик акционерлик жамиятида махсулот хариддорлигини оширишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу ерда кала-



ва ип, хом сурп, газлама ва бошқа кўллаб халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилаётган. Корхонанинг махсулот тайёрлаш қуввати йил сайин ошмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан бирмунча ўсган. Ходимларнинг муносиб рағбатлантирилаётганлиги меҳнат унумдорлиги ортисида хизмат қилмоқда. Айни пайтда Мустақиллик байрами олдиндан ишчи-хизматчилар ўртасида "Зарбдор 60 кунлик" шiori остида мусобақалар давом этапти. Хар ўн кунда илгорлар қимматбахо совғалар билан тақдирланмоқда.

Суратларда: илгор ишчилар Азиза Назарова ва Санобар Ёноқова.

И.ХАСАНОВ олган суратлар

Бир Фармон шарофати

билан шугулланапти.

Маути Уженова ана шундай тадбиркорлардан. Кўли гул ҳунарманд аёл миллий кийимлар тикиш устаси. Асли Чимбой туманида туғилган Маути ўзининг тикувчиликка ҳавас қўйди. Момоси тунларни тонларга улаб, турман гиламлари тўқиб, келин-қуввлар учун тунлар тикар эди.

Орадан кунлар, йиллар ўтди. Тақдир тақозоси билан Маути берунийлик Йўлдош Ёшановага турмушга чиқиб, республиканинг жанубий туманига келиб қолди. Туманлараро насос станциялари бошқармасининг тажрибали мутахассиси, касби инженер-механик бўлган умр йўлдош ёрдамида мўъжаз тикувчилик цехи ташкил қилиб, ўнлаб маҳаллий ёшларни ишга жалб этди. Миллий кийим-кечаклар, чойшаб, кўрпалар тикишга киришди.

Ташландик бинони таъмирлаб, янги ускуналар олиб келиб ўрнатди. Тиллоий нақшлар билан безатилган миллий каштачилик буюмлари ишлаб чиқариш

дус Ёшанова ўз касбининг ҳақиқий усталари ҳисобланади.

— Президентимизнинг яқинда қабул қилинган Фармон ва қарорлари кўчмасга куч, фойдаланишга фойдаланмоқда, — сўхбатни давом эттирди тадбиркорлар сардори. — Сармодаги маблағни кўпайтириб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш целини кенгайтириш ниятимиз бор.

Мулкдорларга берилаётган имтиёزلар тадбиркорликнинг ривожини учун мустаҳкам асос бўлди. Узининг озиқ-овқат, қурилиш материаллари дўкони ва дорихонасига эга бўлган тиниб-тинчимас ишбилармон Оролин Қўтқариш Халқаро жамғармаси ҳисобидан бир ярим йил муддатта у миллион сўм имтиёзли кредит олиб чиқиб қорхонани кенгайтиришга киришди. Замонавий ускуналар келтирилди. Турман гиламлари ишлаб чиқарадиган янги цех фаолиятини бошлади. Маҳаллий хотин-қизлар учун яна 15 та иш ўрни очилди.

И.ТИЛЛАЕВ

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўн иккинчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Асосий Қонунимиз Республиканинг паспорти, юз-қўзи ва обрўси сифатида суверен давлатнинг халқаро миқёсдаги ўрнини белгилади. Инсон ва унинг тақдирига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Давлат органлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги кайд этилди. Инсонини, унинг эркинлигини, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз жиҳатлари олий қадрият деб эътироф этилди.

Қонун устуворлиги ва қонун олдида барчаннинг яъни мансабидан, ижтимоий келиб чиқишидан, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар тенглигини таъминлаш энг долзарб вазифалар сира-сидан эканлиги алоҳида кайд қилинди.

Инсон омилига эътибор янги қонунларни қабул қилиш ва уни такомиллаш-

тириш билан узвий боғлиқ. Масалан, 1994 йили қабул қилиниб, 1995 йилдан қўлга кирган Жиноят процессуал кодексига кўллаб қўшимча ва ўзгартришлар киритилди. Бунга ҳукм, ажрим, қарорнинг яхлитлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш учун янги апелляция институтининг яроқли қилинганлиги ҳам ёрқин мисолдир. Апелляция иккинчи инстанция суди ҳисобланиб, ҳукм, ажрим ва қарордан норози бўлган тараф у кунга кирмасдан ўн кунлик муддатда шикоят қилса бўлади. Кассация инстанцияси ҳам иккинчи инстанция суди ҳисобланади. Илгариги кассация инстанция суди мазмуни ҳамда ваколатидан фарқи ўлароқ бу инстанцияга оид бир йил давомига ҳукм, ажрим ва қарордан норози бўлган тараф тўғрисида тўғри шикоят билан чиқиши мумкин. Аммо бунинг битта шарты бор. Қўтарилган масала апелляция судида кўрилган бўлиши керак. Агар апелляция судига айнан шу масала билан чиқилган бўлса, назорат тартибиде иш юритиш тартиби жорий қилинади. Назорат инстанция суди икки босқичли бўлиб, лимит натижасидан манфаатдор бўлган иштирокчилар илтимос билан чиқувчи прокурорга мурожаат қилишлари, прокурор эса назорат тартибиде иш қўзғатувчи прокурорга чиқиши мумкин.

Бу даражада ҳукм, ажрим

Процессуал қонунчиликка киритилган муҳим ўзгаришлардан яна бири ярашувчилик институтининг жорий этилишидир. Бунда унча ижтимоий ҳавфи бўлмаган, биринчи марта ба жиноят содир этган, жабрланувчи кечирган, моддий зарар қолганга ўттиз турдаги жиноятга ярашувчилик қўлланилади.

Жиноят процессуал кодексига киритилган муҳим ўзгаришлардан яна бири тергов муддатининг ёки қамоқда ушлаб туриш муддатининг қисқартирилганлигидир. Олдинги қонунга кўра тергов икки йилгача қўзғилиши мумкин эди. Ҳозирда эса бир йиллик муддат қатъий ҳисобланади. Эндиликда яна бир муҳим масала устида беш қўрилмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида дастлабки терговда суд назоратини ўрнатиш ҳамда санкция бериш масаласини судларга олиб беришнинг афзалликлари тўғрисида, шунингдек, судга шикоят қилиш институтига доир фикрларни баён этганди. Шундан сўнг талай ишлар амалга оширилди ва бу йўлда саъй-ҳаракат давом этаётир.

Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА, ТДЮИ кафедраси муdiri, юридик фанлари номзоди

Кўқон шаҳрида «Жамоатчилик назорати амалга оширишда нодавлат, но-тижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида республика амалий анжумани бўлиб ўтди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА МАҲАЛЛА

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Ғафойбоев ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда ўзини ўзини бошқариш органларининг муҳим ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Семинарда Фаргона вилоятида бу борада яхшигина тажриба тўплангани кайд этилди. Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Эскулар» нодавлат, нотижорат маркази фаолияти бунга мисол бўла олади.

Анжуман иштирокчилари Кўқон шаҳридаги «Маҳалла» марказининг очилишида қатнашдилар. Янги марказ шаҳардаги 61 маҳалла учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, шаҳардаги дегрээлик, нонвойлик гузарлари ҳамда Собир Абдулла номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган ишлар ўрганилиши ва ўзаро тажриба алмашилди.

(ЎзА)

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ

2005-2006 ўқув йилида мактаб ўқувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабаларини барча зарур ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида жойларда анъанавий мактаб бозорлари ва ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Улар «Ўзбекларшув», «Қорақалпоқтунлив» ҳамда вилоятлардаги «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари ҳамкорлигида 10 сентябрга қадар давом этади.

Жойлардаги ўқувчи ва талабалар сони, уларга керакли ўқув қурол, кийим-бош ҳамда пойфазаларга бўлган талаб ва эҳтиёж ўрганилиб, — дейди «Ўзбекларшув» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи Холиқжон Қамбаров. — Тизимимизда фаолият олиб бораётган савдо тармоқлари ва омбуналарда 19 турдаги арзон ва сифатли махсулотлар захираси жамланган. Айтиш жоизки, уларнинг асосий қисми мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.

Маълумотларга кўра, аҳоли гавжум жойларда 450 та мактаб бозори ва ярмаркалари, 500 дан ортиқ дўкonda ана шундай бўлимлар фаолият бошламоқда. Бундан ташқари, олис ва чекка аҳоли яшаш жойларида автодўконлар ёрдамида савдо-сотик уюштириш ҳам режалаштирилган.

«Ишонч» фoш этади

кўллаб ахлат уюмларини кўрди. Уларнинг кўпчилиги эшик, деразалари синган, йўлаклари таъмирталаб, ертўралари сувга лиқ тўла бўлиб, чиқиндиҳонага айланган кетган, Хавфли жойи шундаки, хонадонлардан келаётган оқова сув қанчалар кўп бўлиши ва бу йўлда саъй-ҳаракат давом этаётир.

САНСАЛОРЛИК

налзация трубалари ёрилганлиги тўғрисида йилнинг биринчи ярмида йўқотишнинг исроф бўлишига, унинг чекка туманларга етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда. 12-«Машъал» маҳалласи раиси Б.Отажоновнинг айтишича, бу йилги кишининг қаттиқ келиши ахлат ва чиқиндиларни вақтида олиб кетилишида кийинчилик туғдирган. Кўп қаватли уйларнинг айримларида қувурларнинг ёрилиши содир бўлган. М.Олтибоев раислик қилаётган 24-маҳаллада бўлганимизда 15-уй олдиде ширкат бошлиғи Ж.Султоновнинг ўзи бош бўлиб, чиқиндиларга ўт қўйдириб турганининг гувоҳи

булдиқ. У транспорт етишмаганидан чиқиндиларни йўқотишнинг исроф бўлишига, унинг чекка туманларга етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда. 12-«Машъал» маҳалласи раиси Б.Отажоновнинг айтишича, бу йилги кишининг қаттиқ келиши ахлат ва чиқиндиларни вақтида олиб кетилишида кийинчилик туғдирган. Кўп қаватли уйларнинг айримларида қувурларнинг ёрилиши содир бўлган. М.Олтибоев раислик қилаётган 24-маҳаллада бўлганимизда 15-уй олдиде ширкат бошлиғи Ж.Султоновнинг ўзи бош бўлиб, чиқиндиларга ўт қўйдириб турганининг гувоҳи



Бугуннинг одамлари ЯЙЛОВ ДАРФАСИ

Хар бир касбнинг ўзига яраша кийинчиликлари бор. Лекин йил бўйи дашту сахро кезадиган, кишининг қаҳратонини, ёзнинг жазирасига бардош бериб, керак бўлса қўй-қўзисини бағрига босиб, жа-лаю дўлдан асрайдиган чўпон-чўликлар меҳнатини хар қанча улугласак арзийди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориде қорақўли кўйларнинг элита генфондини сақлаб қолиш ва соҳани ривожлантириш вазифалари белгилан берилди. Бу борада мамлакат қорақўлчилик тармоғининг 43 фоизини ташкил қилган Навоий вилоятида олиб борилаётган ишлар ибратли.

Вилоятда «Қорақўлчиликда селекция наслчилик ишларини 2010 йилгача такомиллаштириш дастури» ишлаб чиқилган бўлиб, белгиланган тадбирлар ижрозиллик билан амалга ошириляпти. Кейинги беш йил ичиде қорақўл кўйлар сони кўпайиб 1 миллион 100 минг бошдан ошиб кетди. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан Учқудук ва Томди туманларининг қорақўлчилик хўжалиқларига амалий ёрдам қўрсатилганлиги, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш имкониятини яратди:

— Ўзбек қорақўл терилари ўзининг майинлиги, сержиллиги ва юқори сифати билан жаҳон бозориде харидориги, — дейди биз билан суҳбатда «Қорақўл» бирлашмаси раиси Хазраткул Қурбонов. — Яйловларни кенгайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдалана чора-тадбирлари қўрилипти. Мулк шакли ўзгариб ширкат хўжалиқлари ташкил этилганлиги, ички хўжалик шартномаларига қатъий амал қилинаётганлиги, хар бир пудратчи билан чек усулида ҳисоб-китоб йўлга қўйилганлиги ижобий самаралар берди.

Бирлашма тасарруфидеги хўжалиқларда 5 миллион 394 минг 744 гектар ер майдони бўлиб, унинг 4 миллион 919 минг 346 гектари бағри кенг яйловлардан иборат.

Хўжалиқлар тасарруфидеги майда молларнинг қарий 500 минг боши совлиқларни ташкил этади. Бундан ташқари 21 мингта яқин сифатли жун берадиган эчкилар ҳам парваришланмоқда. Отчилик ва туячиликни ривожлантиришга эътибор оширилган. 7 мингдан ортиқ от, 4672 беш туя боқилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 3 минг 568 тонна гўшт, 150 тоннадан ортиқ сўт, 121 минг 841 дона қорақўл тери, 856,6 тонна жун ишлаб чиқарилди. Совлиқлардан 559 минг бошдан зиёд қўзи олинди. Хар юз бош совлиқдан 108 талдан тўл олинди, 437 минг 144 боши ўстиришга қолдирилди. Қиска қилиб айтганда, бир отардан икки отар яратилди.

Нурота, Қонимех ва Томди туманларида моллар боши сони кўпайди. Қонимех туманидаги «Сарибел», Томдидеги «Томди», Нуротадаги «Қизилча» наслчилик хўжалиқларида моллар сони 35-40 фоизга ошиб, махсулот етиштириш ортиди. Ўз навбатида чўпон-чўликларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланиб, уларга бериладиган дивидендлар миқдори ошди. Ялли даромад 5 миллиард 228 миллион сўмини ташкил этган бўлса, соф фойда 1 миллиард 743 миллион сўмдан ошиб кетди. Тармоқдаги самарадорлик 57,7 фоизни ташкил этади. 200 минг АҚШ доллари қийматлиги махсулот хорижга сотилди.

Ислохотлардан мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш. «Сарибел» ширкат хўжалиғидан Нурлан Жунесов боқувидеги совлиқлардан белгиланганидан 425 бош қўзи олади. 841 бош кўзи ўстиришга қолдирилди. Қорақўл тери, жун, гўшт етиштириш бўли-ча шартнома режалар ошириб баҳарилди. Қўшимча муқофотлардан ташқари

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Сирдарё шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби жамоаси туман умумтаълим мактаблари ўртасида янги ўқув йилига тайёргарлик қўриш бўйича қолиб чиқди.

Кейинги уч йилдан буюн ушбу билим масканига шаҳардаги «Сирдарё-Принт» масбулияти чекланган жамият хомийлик қилиб келляпти.

— Мактабимиз жамоаси «Йил мактаби»

ТАЪМИНОТЧИ — ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

Тошкент вилояти ҳудудий акциядорлик жамияти «Кишлоқхўжалиқиним» Кўйи Чирчиқ туман филиали аъзоларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида 2005 йилги пахта ҳосили учун экилган майдонлар етарли миқдордаги минерал ўғитлар билан таъминлашга эришилмоқда.

Жорий йил пахта ҳосили учун 325 та фермер хўжалиқлари билан тузилган шартномага кўра 923 тоннага яқин азотлик, фосфорлик ҳамда калийли ўғитлар етказиб берилди.


Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан тумандаги бир қанча ширкат хўжалиқлари тугатилиб, уларнинг ўрнида қатор фермер хўжалиқлари ташкил этилган эди. Ҳозир ушбу ширкат хўжалиқларининг ўғит сақлаш омборлари филиал балансига ўтказилди. Шу боис, бу омборлар неғизиде ташкил этилган 3 та шахобча янги тузилган фермер хўжалиқларига ҳаммад кўрсатилди.

Мажбур минерал ўғитларни қисман ишлашнинг таъминлаш, талон-тороғга йўл қўймаслик юзасидан муайян ишлар амалга оширилди, — дейди филиал мудири Олимжон Саидқосимов. Шунинг учун ўғит сақланадиган омборлар алоҳида назорат остига олинган. Истеъмолчиларнинг розилиги билан минерал ўғитларни етказиб бериш учун транспорт хизмати ҳам қўрсатилди. Айни пайтда филиалда дефляция ишларини кўрсатилади. Ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

Маъмурият ва касоба уюшма кўмитаси мустаҳкам ҳамкорлиги тўғрисида ишловчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шартлари яратиб берилган. Ойлик маошлар ўз вақтида берилмоқда. Ишчиларга хар қуни иссиқ овқат учун 100 сўмдан маблағ ажратилляпти. Филиал жамоаси хайрли ишлардан ҳам четда тургани йўқ. Тумандаги 5 та кам таъминланган оилаларнинг хар бирига 25 минг сўмдан моддий ёрдам берилди. Халқ таълими бўлими тасарруфидеги 9-ўрта умумтаълим мактабига имкон қадар таъмирлаш ишларига яқиндан қўмақ берилмоқда.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ТЕСТ СИНОВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ




(Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилишга, юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техника базасини яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Давлатимиз раҳбарининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент тиббиёт академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир

исботидир. Мазкур ҳужжатларга биноан Биринчи ва Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтлари негизда Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди. Бу олий ўқув юртида ҳам абитуриентлар учун тариф шартлар яратилганининг гувоҳи бўлди. Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманидан келган Илхомжон Қудратов мазкур таълим даргоҳининг даволаш факультетига кириш учун тест топшираётган экан. - Оиламизда уч киши ўзим ва икки қизим тиббиёт ходими, - дейди Илхомжоннинг онаси Ойдин опа.

- Сафимизга ўғлим ҳам қўшилса дейман. Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил этилиши талабаларнинг чуқурроқ билим олиши учун яна кенг имкониятлар очишдан жуда хурсандимиз. Бу йил мамлакатимиз олий ўқув юртига бакалаврлар тайёрлаш бўйича 51 минг 175 талаба қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, абитуриентлардан 273 мингдан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 30 мингга кўпдир.

(Ўза)



«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Савол: Маълумки 2004-2005 ўқув йилидан ўқитувчиларга иш фаолиятига қараб дарс самарадорлиги учун 25 фоизга, тарбиявий ишлари учун 15 фоизгача устама ҳақ белгиланган. Шу устама ҳақ ўқитувчига қандай тартибда тўланади?

Н.КАРОМАТОВА, Бешарик тумани

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги 335-сон қарорига мувофиқ умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методик кабинетлар методистларига устамалар белгилаш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом ишлаб чиқилди. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармонида мувофиқ умумтаълим муассасаларининг қобилияти, ўз ишига садоқатли ўқитувчиларини рағбатлантириш, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг, уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита ўзаро боғлиқлигини таъминлаш йўли билан ўқув-тарбия ишларининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, ўқитувчиларнинг касбий ва малака даражасини оширишнинг рағбатлантирилишини кўчатириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Методик кабинетларнинг методистларига устама ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишга қўшилган шахсий ҳисса, янги педагогика технологияларни жорий этиш, ўқитувчиларнинг илгор тажрибасини кенг омма-лаштиришнинг учун тариф сўрашнинг 25 фоизгача миқдорда белгиланади. Умумтаълим муассасаларида таълим қилинган комиссиялар ўқитувчиларнинг ўтган ўқув

дорларини қайта қўриб чиқиши мумкин. Самарқанд вилоятининг 2004 йил 15 июлдаги 335-сон қарорига мувофиқ умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методик кабинетлар методистларига устамалар белгилаш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом ишлаб чиқилди. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармонида мувофиқ умумтаълим муассасаларининг қобилияти, ўз ишига садоқатли ўқитувчиларини рағбатлантириш, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг, уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита ўзаро боғлиқлигини таъминлаш йўли билан ўқув-тарбия ишларининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, ўқитувчиларнинг касбий ва малака даражасини оширишнинг рағбатлантирилишини кўчатириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Халқ таълимини бошқариш тегишли органи ҳудудий молия органи билан келишилган ҳолда, ҳар қайси умумтаълим муассасаси ва халқ

билимларни ўзлаштириш даражасининг мустақамлигини таъминлайдиган педагогик ишнинг юқори самараси ҳамда тест синови натижалари ва баҳолашнинг рейтинг усуллари бўйича белгиланадиган ўқитишнинг яхши сифати, шунингдек, қобилияти ва иқтидорли ўқувчилар билан ҳақ тартибда иш олиб боришнинг ташкил этилиши;

- ўқитувчи томонидан ўқув жараёнида ўқитишнинг илгор усуллари ва педагогика технологиялари муваффақиятли қўлланилиши, ўқув-тарбия ишларининг замонавий шакллари жорий этилиши;

2. Умумтаълим муассасалари ўқитувчилари томонидан тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар олиб бориладиганлиги ва ўқувчиларнинг авлодини тарбиялашда улар томонидан қўшилган аниқ шахсий улуш учун уларга устама белгилашда махсус комиссиялар қўйидаги асосий мезонлардан келиб чиқадилар;

- ўқувчиларнинг тўғрақарлар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятига жалб этилиши даражаси, ўқувчиларнинг дам олиши ташкил этилиши;

- мактаб ўқувчиларида ҳаётий кўникмалар, маънавий ҳамда ирода билан боғлиқ фазилатлар шакллантирилиши ишларнинг самарадорлигини ва уларни касбни онгли равишда танлашга тайёрлиги;

- касб маҳорати ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича синфдан ташқари машғулотлар ўтказиш савияси;

- ўқувчиларнинг ўзлаштирилиши охирида ҳамда ўқувчиларнинг авлодини тарбиялаш мақсади ва вазифаларига мувофиқ тарбиялаш қаратилган ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш даражаси ва уларнинг сифати;

- ўқувчиларнинг кекса фуқароларни оталиққа олишларини ташкил этиш ишлари.

3. Мактабдаги таълим жараёнининг методик таъминлигини яхшилашга шахсий улуш қўшганлиги учун методика кабинетларнинг методистларига устама белгилашда куйидаги асосий мезонлар ҳисобга олинади:

- ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув-методик материаллар ва методик таъминотларни ишлаб чиқишда шахсан иштирок этиш;

- ўқув-тарбия жараёнига янги педагогика технологияларни жорий этиш;

- умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва раҳбарларининг илгор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш ишларининг самараси;

- ўқитувчиларнинг касб маҳоратини оширишга йўналтирилган ишлар, ўз фани бўйича таълим берувчи семинарлар ва мақсадли қисқа муддатли курслар ташкил этиш.

СУВ ИНШОТИ ИШГА ТУШДИ

Сирдарё вилояти Ховос туманининг Йўлдошобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда сув тозалаш иншооти ишга тушди. Бир кеча кундузда 10 тоннадан зиёд канал сувини тозалаб берадиган мазкур иншоот энди қишлоқнинг 3700 дан ортиқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлайди.

Жанубий Мирзачўл каналининг бир шохобчаси қишлоқнинг ёнгинасидан оқиб ўтади. Сув эса тозалаш иншоотида ўз оқими билан келиб тушади. Шу боисдан ҳам мазкур иншоотни ишга тушириш учун унча қийин кечмади. Бу ердаги қурилиш-монтаж ишларини Бахт шахридаги 8-механизациялашган кўма коллона бунёдкорлари амалга оширди.

Яккабоғ туманида аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида бир қанча хайрли ишлар қилинапти. «Соҳибқирон», «Ҳақиқат», «Узоқ Мирзаев» хўжаликлари аҳолисига газ хисоблагичлар хўжалик хисобидан ўрнатилди. Газдан нотўғри фойдаланган истеъмолчилар маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари олдида

Шоҳмат ГЁТЕБОРГДА XV ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Швециянинг Гётеборг шаҳрида жамоалар ўртасида шоҳмат бўйича 15-Европа чемпионати бошланди. Бу чемпионатда 38 мамлакат шоҳматчилари қатнашмоқда. Жами 40 та эркаклар терма жамоалари ва 27 та аёллар терма жамоалари иштирок этмоқдалар.

Чемпионат Швейцария тизимида дам олиш кунлариста тўққиз турда ўтказилди ва 7 августда чемпион жамоа аниқланади.

Россия эркаклар терма жамоасининг ўртача ёши 30 ёш. Уларнинг бари жаҳоннинг энг кучли 50 та шоҳматчилари сафидан жой олган. Россия аёллар терма жамоаси аъзолари жаҳоннинг энг кучли 20 та шоҳматчилари сафидан жой олганлар.

АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИР

Швейцариянинг Бил шаҳрида ўтказилган шоҳмат бўйича анъанавий халқаро турнир нихосига етди. Унда украинalik 19 ёшли гротмейстер Андрей Волокитин ва исроиллик 37 ёшли гротмейстер Борис Гельфанд олтидан очко тўплаб биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритдилар.

Икки даврада ўтказилган турнирда швейцариялик гротмейстер Яник Пеллетье 5 очко тўплаб учинчи ўринни эгаллади. Қолган ўринлари 4,5 очко тўплаган америкалик шоҳматчи Хикару Никамура ва франциялик шоҳматчи Кристиан Бауэр эгалладилар. Норвегиялик Магнус Карлсон 4 очко билан олтинчи ўринни банд этди.

ФУТБОЛ УЕФА КУБОГИ БИРИНЧИ САРАЛАШ БОСҚИЧИ ЖАВОБ УЧРАШУВЛАРИ

УЕФА Кубоги биринчи саралаш босқичининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Биринчи учрашувларда тўртта йirik ҳисоб қайд этилган бўлиб, тўрт учрашувда дуранг натижа имзоланган эди. Дарвозаларга жами 72 та тўп киритилди.

Энг йirik ҳисоб Эстонияда «Флора» ва «Эсберг» жамоалари ўртасидаги учрашувда қайд этилди. Даниялик футболчилар майдон эгалари дарвозасига 6 та жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлдилар ва 6:0 ҳисобида зафар қучдилар. Вахололик, биринчи учрашувда эстонияликлар 2:1 ҳисобида сафарда галаба қозонган эдилар.

Жавоб учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «МТЗ-РИПО» (Белоруссия) - «Ференцварош» (Венгрия) - 1:2
Биринчи учрашув - 2:0
«Мика» (Арманистон) - «Майнц» (Германия) - 0:0

Биринчи учрашув - 0:4
«Хазар» (Озарбайжон) - «Нистру» (Молдова) - 1:2
Биринчи учрашув - 1:3
«МюПа» (Финляндия) - «ТВМК» (Эстония) - 1:0
Биринчи учрашув - 1:1
«Вентспилс» (Латвия) - «Линфилд» (Шим. Ирландия) - 2:1
Биринчи учрашув - 0:1
«Домжале» (Словакия) - «Доманьяно» (Сан-Марино) - 3:0
Биринчи учрашув - 5:0
«Атлантас» (Литва) - «Рил» (Уэльс) - 3:2
Биринчи учрашув - 1:2
«Дачия» (Молдавия) - «Вадуц» (Лихтенштейн) - 1:0
Биринчи учрашув - 0:2
«Локомотив» (Грузия) - «Бананц» (Арманистон) - 0:2
Биринчи учрашув - 3:2
«Флора» (Эстония) - «Эсберг» (Дания) - 0:6
Биринчи учрашув - 2:1
«Металлург» (Латвия) - «Рунавик» (Фарер О.) - 3:0
Биринчи учрашув - 3:0
«Петанж» (Люксембург) - «Аллианси» (Финляндия) - 1:1
Биринчи учрашув - 0:3
«Апозель» (Кипр) - «Биркиркара» (Мальта) - 3:0

Спорт оламида

2:0
«Викинг» (Норвегия) - «Портадаун» (Шим. Ирландия) - 1:0
Биринчи учрашув - 2:1
«БАТЭ» (Белоруссия) - «Торпедо» (Кутаиси) - 5:0
Биринчи учрашув - 1:0
«Торсхавн» (Фарер о.) - «Вестманнаэйяр» (Исландия) - 2:1
Биринчи учрашув - 1:1
«Репид» (Руминия) - «Санта Хулия» (Андорра) - 5:0
Биринчи учрашув - 5:0
«Жепче» (Босния) - «Башкими» (Македония) - 1:1
Биринчи учрашув - 0:3
«Жилина» (Словакия) - ФК «Боку» (Озарбайжон) - 3:1
Биринчи учрашув - 0:1
«Вардар» (Македония) - «Эльбасани» (Албания) - 0:0
Биринчи учрашув - 1:1
«Широки Брег» (Болгария) - «Теуга» (Албания) - 3:0
Биринчи учрашув - 1:3
«Карматен» (Уэльс) - «Лонфорд» (Ирландия) - 5:1
Биринчи учрашув - 0:2
«Корк Сити» (Ирландия) - «Экранас» (Литва) - 0:1
Биринчи учрашув - 2:0
«Хиберианс» (Мальта) - «Омония» (Кипр) - 0:3
Биринчи учрашув - 0:3
«Кефлавик» (Исландия) - «Этзелла» (Люксембург) - 2:0
Биринчи учрашув - 4:0

«РЕАЛ»НИНГ

ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

Мадриднинг «Реал» жамоаси Осиё сафарига навбатдаги ўртоқлик учрашувини ўтказди. Улар Таиланд терма жамоасини 3:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Зинидан Зидан еттинчи дақиқада ҳисобни очшига муваффақ бўлди. 22 дақиқада Роналдо иккинчи тўпни киритиб ҳисобни 2:0 га оширди. Учрашув турашига уч дақиқа қолганда Де ла Ред ҳисобни 3:0 га етказди.

Т.ЮСУПОВ тайёрлади

ДАРС САМАРАДОРЛИГИ УЧУН УСТАМА ҲАҚ

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси

Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

йилидаги ишларини баҳолаш натижалари бўйича, уларга ўқув мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида ҳар ойлик устамалар белгилайдилар.

Халқ таълимини бошқариш органлари ўқитувчилар ёки методистлар фаолияти мониторингини ўқувчиларнинг тест синовидан танлаб ўтказиш асосида тавсия этилган номдорларнинг ва уларга белгиланган устамаларнинг ҳоли-саломлигини ва асосланганлигини текширадилар.

Ўқитувчилар ва методистлар ишларининг самарадорлигини белгилаш учун улар фаолияти мониторингини тартиб-тартиб ўқитишнинг тест синовидан танлаб ўтказиш амалга ошириш тартиби, ўқитишнинг билим ва қўникмаларини ўзлаштиришнинг баҳолаш мезонлари махсус комиссия тўғрисидаги Низомда белгиланади. Олинган натижалар ва махсус комиссия қарорлари асосида тегишли умумтаълим муассасаси ва халқ таълимини бошқариш ҳудудий органининг буйруғи билан ҳар бир мактабнинг ҳар ойлик устамалар олиш ҳуқуқига эга бўлиб ўқитишлари ва методистлари рўйхати устамалар миқдорлари курсатилган ҳолда тасдиқланади.

таълими ҳудудий органи бўйича устамаларини белгилаш ҳамда ирода билан боғлиқ фазилатлар шакллантирилиши ишларнинг самарадорлигини ва уларни касбни онгли равишда танлашга тайёрлиги;

1. Касб малакаси ва ўқув жараёнига қўшган аниқ шахсий улуши, ўқитишнинг юқори самараси ва сифати учун умумтаълим муассасалари ўқитишларида устама белгилашда махсус комиссиялар қўйидаги асосий мезонлардан келиб чиқадилар:

- ўқувчиларнинг билимлари, малака ва қўникмалари умумий ўрта таълим учун белгиланган давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги даражаси;

- ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган яқна хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;

- ўқув дастурига мувофиқ



Яккабоғ туманида аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида бир қанча хайрли ишлар қилинапти. «Соҳибқирон», «Ҳақиқат», «Узоқ Мирзаев» хўжаликлари аҳолисига газ хисоблагичлар хўжалик хисобидан ўрнатилди. Газдан нотўғри фойдаланган истеъмолчилар маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари олдида

ҳисоб бериб, тўловларни ўз вақтида узилишини таъминламоқда. Тоғли ҳудудлар аҳолисини суолтирилган балонли газ билан таъминлашда иккита автомашина ажратилган.

Суратда: уста Бахриддин Йўлдошев ва муҳандис Жўра Оқмирзаевлар.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат

СОГЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

Жиззах вилоят Ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини бўлими қошида соғломлаштириш маркази қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мазкур соғломлаштириш маркази 60 ўринга мўлжалланган. Марказнинг «Сихат саломатлик йили»да ишга туширилиши 195 нафар ишчи меҳнат қилаётган жамоа учун аниқ масъулиятли йил кундан сўнг дам олиб, спорт билан шугулланишлари учун етарли шaroит яратилмаган эди. Эндиликда тренажерлар зали, чўмилиш ва дам олиш хоналари улар ихтиёрида.

— Мазкур марказ шахсий таркибнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, — деди шахсий таркиб бўлима инспектори Фозил Мусурмонов. — Демак, бугун кўнгилли хордик қиқарган ҳар бир ходим эртага бугундан кўра яхшироқ меҳнат қилиши, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда сергақ туриши табиий.

«Туркистон-пресс»

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки кўмитасининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтининг дўшанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтказилган электрон биржа савдоларига Наманган вилояти маклериатидан қуйидаги объект қўйилаётганини маълум қиламиз:

Наманган шаҳрида жойлашган «Механизация ДЭК» МЧЖнинг 70 фоиз давлат улуши.
Бошлангич баҳоси - 15384,8 минг сўм.

Имкониятингизни бой берманг!

Республика Кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари мулкларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Мурожаат учун манзил: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси 3-уй (вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси биносининг 4-кавати).
Телефонлар: (8-3692) 26-54-47; 26-27-01.

Касаба уюшма тadbири

УСТОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Навоий вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан «Сихат саломатлик йили»га бағишланган спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Яқиний натижаларга кўра спортнинг стол тенниси ва шахмат-шашка турлари бўйича Навоий шахри ўқитувчилари В.Ким, Ш.Жалолов ва карманалик ўқитувчилардан И.Мустафоева, хатирчилик Дониёров голиб чиққан бўлса, стритбол бўйича Зарафшон шахри ўқитувчилари И.Букин, Э.Сапарбаева, В.Сотниковалар биринчи бўлдилар.

Мусобақа голиблари вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Б.БОЗОРОВ, вилоят Кенгашининг етакчи мутахассиси



Ш.ОЛИМОВ (ўса) олган суратлар

Келажакимиз ворислари

Инсониятнинг барча улугвор ишлари фарзандларимизни гамхўрлик билан қуршаб олишга йўналтирилган.

Оролбўйи шаҳар ва овулларда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган «Соғлом авлод», «Оналар ва болалар», «Меҳр-муруват», «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурлари асосида ёш авлодни жисмоний соғлом ва маънавий баркамол инсонлар бўлиб етиштиришда доимий гамхўрлик кўрсатилаётган.

Оролбўйи шаҳар ва овулларда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган «Соғлом авлод», «Оналар ва болалар», «Меҳр-муруват», «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурлари асосида ёш авлодни жисмоний соғлом ва маънавий баркамол инсонлар бўлиб етиштиришда доимий гамхўрлик кўрсатилаётган.

ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ

Бат кўрсатиш, уларнинг маданиятини химоялаш, жамиятимиз учун муносиб фарзандлар бўлиб етиштиришда доимий гамхўрлик қилиш жамоамизнинг асосий мақсади, дейди боғча мудири Замангул Раҳимова.

Боғча ошхонасида кичкинтойларга юқори сифатли миллий таомлар тайёрланиб, помидор, бодринг, ҳар хил кўкатлар, мевачева, салқин ичимликлар, витаминли озиқ-овқатлар бериб борилади.

Ҳар тунг чиройли либослар кийган, гул кўтарган, лабларида табассум, юз-кўзларида қувонч чақнаган жажжи ўғил-қизлар, ўзларининг қадридан масканларига йўл оладилар.

Боғчада туман тарихини ўрганиш музейи, «Маънавият ва маърифат» хонаси, «Экология» бурчаклари ташкил этилган. Яна бир муҳим жиҳати, инглиз, рус, француз ва қорақалпоқ тили тургарларининг ишлаб турганидир. Хорижий ва озиқ-овқатларни олишга қизиқувчилар сонини кўпайиб бормоқда.

Боғча ҳовлисида болаларнинг шўх қийқирикларини эшитилади. Спорт майдончасида ёш полвонлар кураш тўшаётган бўлса, кичик саҳнада санъат ихлосмандларининг кўшиқ-куйлари янграйди. Атракционларда учаётган жажжиларнинг қувончи ҳеҳисиз. Бахтли болалардан миннатдор Оролбўйи ўғил-қизларининг порлоқ келажакка ишончи баланд.

ЁЛКИН

ИБН СИНО ЎГИТЛАРИ

Иссиқ кўшда баданини қиздириш, хусусан, у тез юриш ва чопиш каби ҳаракатлар вақтида бўлса, қичқиндиларни кучли равишда эритиб таркатади, терлатади, қорин кўпчишини йўқотади, гавда бўшагандаги ва истискодаги ишларни таркатади, рабу ва тикка нафас олишига фойда қилади, узоқ чўзиладиган совуқ бош оғригини тузатади, совуқ миҳозли миани бақувват қилади.

Ҳаммомдан чиққан ёки ҳаммомнинг ўзида совуқ ичимликларни ичишдан сақланиш керак. Чунки бу вақтда бадан тешиклари очик бўлиб, совуқ бошқарувчи аъзоларнинг жавҳари томон интилади ва уларнинг қувватини синдиради. Шунингдек, иссиқ бир нарсага ичишдан, айниқса, иссиқ сув ичишдан сақланиш керак. Чунки бу бошқарувчи аъзоларга бориб сий ва ингичка оғриқ касаллигини келтириб чиқариши сабабли хавфлидир.

Юзни хўллаш ва сув сепиш юрак қисмини ва иситма алағаланиши натижасида бўшаган қувватни аслига қайтарди. Бу ишни ҳуддан кетишда ҳам қилинади, айниқса, уни гул суви ва сирка билан аралаштириб сепилса нафои кўпроқдир. Баъзида иштаҳани яхшилаб оширади, лекин назла ва бош оғриги борларга зарар қилади.

Ҳарсиллашга учраган кишиларнинг сақланишлари лозим бўладиган ишларга келсак, улар мумкин қадар ҳаммомдан, айниқса, овқат ёки ҳаммомга тушишдан, кўп ухлашдан, айниқса, кундуз кунни ухлашдан ибратдор. Овқатни ея солиб ухлаш у кишиларга жуда зарар қилади, лекин уларда қаттиқ кучсизлик, чарчаш ва иссиқ пайдо бўлса, шу пайтда озгина ухласинлар, яна ел пайдо қиладиган ҳар бир дондан, овқат устидан ҳоҳ сув бўлсин, ҳоҳ шароб бўлсин сувюқат ичишдан сақланишлари керак.

Бола ўзинча юришга ёки ўтиришга интилишидан бурун уни юриш ва ўтиришга мажбур этиш дуруст эмасдур, чунки, икки оёғига ва умуртқасига зарар етаради.

Н.СОЛИХОВА тайёрлади



Ш.ОЛИМОВ (ўса) олган суратлар

Учкўприк туманида аҳоли саломатлигини тиклаш, касалликларни олдини олиш борасида кенг қўланилишлар амалга оширилмоқда. Қисқа фурсат ичида тез ёрдам кўрсатиш бўлими, тугурқхона, марказий поликлиника таъмирдан чиқарилиди. Бугунча келиб туман ҳудудида 7 та тез тиббий ёрдам кўрсатиш бригадалари хизмат қилмоқда. Бу ёрда аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган амалий ўқув курслари ташкил этилди. Кишлоқ фуқаролар йиғинларида тарғиботчилар гуруҳи иш олиб боради. Шунингдек, жойларда аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш

мақсадида туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, аниқланган хасталикларни даволаш ишлари мунтазам олиб боришмоқда. Шунингдек, тез тиббий ёрдам марказига санитар машинаси ажратилди. Шифохонада ҳисоб-китоб ишларини аниқ ва тезкор амалга ошириш учун компьютер бўлими ташкил этилди.

Суратларда: марказий тез тиббий ёрдам бўлими олий тоифали ҳамшираси Махсудахон Мамажонов ва I тоифали врач Иммижон Акбаровлар қақирувчи ҳисоб-китобдан; марказий шифохонанинг кўриниши.

Опоғойимни ўйласам бошига оқ тусдаги ранги ўчган лунги ўраган, сочлари ҳам оппоқ, шу рангда кўйлак кийган, муштдекини кампир кўз олаимга кела беради.

Опоғойимнинг ҳеч бекор турганини кўрмаганман. Қачон қараманг, ё ўчоқ бошида қуйманайтган, ё тандиранон ёпаётган ёки сизир соғайтган бўларди. Эртаю-кеч кўзойнагини тақиб олиб «Зингер» тивуе машинаси қуллоқларини айлантираётган бўларди. Қулранг эшагида даладан қайтган оппоғодам:

— Зангорингни («Зингер» ингичи демокчи бўлса керак) тўхтатсанг-чи бир пас, чой куй, — деб бақирганида, ўрнидан имиллабгина кўзголиб ўчоқ бошига қараб борарди.

Опоғодам чўққи соқол, ёноқ суяқлари туртиб чиққан, сержахл чол эди.

Опоғойимнинг ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғи йўқ бўлиб, ўрнида калтагина тўмтоқ суяк бўртиб турарди. Бу ҳол мени ажаблантирар, доимо сўрамоқчи бўлардим, улардорки. Охири, бир сафар:

— Опоғой, сиз ҳам урушга борганмисиз, отиб ташлаганими? — дея севкингина оғиз очдим.

Опоғойим аввалига тишисиз милкларини кўрсатиб, оғиз очганича менга тикилиб қолди.

— Опоғойлар урушга бормайди, болам, кўлими немислар эмас, қизиллар чопиб ташлашган.

Ишонмадим, оппоғой мени алдапти, деб ўйлардим:

— Ёлғонламанг, оппоғой, қизиллар отишмайди, немислар ёмон, улар ҳаммани ўлдиршади, ярадор қилишади.

Опоғойим энди жиддий тортиди ва аввалги жавобини яна тасдиқлади:

— Ростдан ҳам кўлими қизиллар чопиб ташлагани (қизил аскарлар демокчи). Воёга етганинда тушуниб оласан бун!

Дарҳақиқат, катта бўлганимда, ақлим кириб воёга етганимда бунни тушуниб етдим. Воёга қуйидагича юз берган экан:

... Игирманчи йиллар бошларидан то ўттизинчи йилларгача Фарғона водийсида авж олган

миллий-озодлик ҳаракати большевикларни шошириб қўйган. Бу ҳаракатни бостириш учун қаттиқ чоралар қўрилган. Жумладан, шафқат нималигини билмайдиган дашноқ отрядлари водийга келтирилиб ташланди. Бугунги кунда бармоқ билан саноқли даражада қолган кексаларнинг гувоҳлик

Ўтмиш лавҳалари

филадиган таҳмоннинг ластки қисмидан молхона тарафга тешиқ очиб яширин жой ҳозирлаганди.

От туёқлари товуши келгани ҳамон бобом ана шу тешиқ орқали чиқиб етиришига улгурди. Опоғойим эса халтада қолган сўнгги жўҳори уни урпоқларини супрага ёйиб ҳамир қоршига тушди. Сал ўтмасдан шоп мўйловли қизил аскар билан ёнига тўпчан таққан ва кўзойнакли тилмоч кириб келишиди. Дашноқ нимадир деб жаврағач, ҳалиги кўзой-

қизариб кетган оппоғодам пайдо бўлди. Кўзойнакли тилмоч шу заҳоти тўпчанчага ёпишди. Аммо улгурмади. Оппоғодамнинг арслондек сапчиб келиб урган болтасини зарби уни ер парчин қилди. Аскар шу заҳоти ўзига келиб қиличига ёпишди. Шунда оппоғойим мисли кўрилмаган элчиллик намунасини кўрсатди. Дашноқ чангалдан қутилган ҳамон қўлига тилмоч кириб келишиди. Дашноқ нимадир деб жаврағач, ҳалиги кўзой-

ОПОГОЙИМ ҚИСМАТИ

накли кимса: — Эринг қани? Босма-чиликка кетганими, деб сўрапти, — дея таржима қилди.

— Йўғ-э, ана, томорқамизни кетмонлаётганиди. Кетмониям шудорда турибди. Чинободдаги қариндошимиз қазо қилган экан, фотиҳага кетган, — дея оппоғойим жавоб қайтарди.

— Алдайсан, маржа ана, ҳовлида этгининг оёқ излари янгигина турибди. Сен яшириб қўйгансан, яхшиликча, қаердалигини айт, йўқса сочингдан ташқаридаги тутта осаман! — шундай дея қизил аскар қамчини ҳовлида ўйянтиб оппоғойим елкаси аралаш туширди. Оғриқ зарбидан оппоғойим бечора долдаб юборди. Бешикдаги чақалоқ шовқин-сурондан чўчиб уйғониб чирқариб йиғлашга тушди. Қизил аскар шафқатсиз эди, ростдан ҳам қамчи ургани етмагандай, оппоғойини сочиндан тортиб эшиқ томонга судрай бошлади.

Шунда ҳеч ким кутмаган ҳолат юз берди. Таҳмондаги кўрпа гўёки зилзила юз бергандек ағдарилиб тушди-да, сандиқ орқасидаги тешиқдан қўлига болта тугган ва қаҳрдан юзлари анордек

тиги оппоғодамни сақлади-ю; ўқлоғдаги оппоғойимнинг кўрсаткич бармоғини чўрт кесиб супрага туширди. Қисқа бўлса-да, орадаги лаҳзадан фойдаланган оппоғодамнинг елка аралаш туширган болтасининг зарби босқинчиини ерга қулатди.

— Тезда болангни еч! Йиғиштир, қочди! Йўқса, уруғимизни қуриштиради, — деди оппоғодам хансираб.

Улар шу тарихи томорқа-томорқа, далам-дала охири, қамшизорлар оралиб қўшни Хўжаобод қишлоғига ўтиб олишди. Тонг сарҳат эса қариндошларимиз яшайдиган Чинободга қараб кетишди.

Кечга яқин дашноқлар оғир яраланиб ўлар ҳолатда ётган ҳар икки шерикларини ахтариб топшиди ва уйга ўт қўйиб кетишди.

...Бу воқеани менга юқоридан номи тилга олинган қишлоқда яшовчи Холча момонинг ўқитувчи бўлиб ишлаётган набираси қиёва қилиб берган эди. Холча момо бешикдаги чақалоқ бўлган экан.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Футбол-тест КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1. Жанубий корейлик моҳир футболчи Парк Жу Сунг келгуси мавсумдан бошлаб Европанинг гранд жамоаларидан бирида тўп суради. Ушбу жамоа номини топинг.

- A) «Реал» (Испания) B) «Манчестер Юнайтед» (Англия) C) «Бавария» (Германия) D) «Милан» (Италия)

2. Мамлакатимиз миллий тарма жамоасига яқинда бош мураббий этиб тайинланган хорижий мутахассис ким?

- A) Анатолий Бишовец B) Тачмурод Агамуродов C) Бора Милутинович D) Роберт Хуоттон



3. Мозий футбол юлдузи, голландиялик Франк Райкард ҳозир қайси жамоани бошқармоқда?

- A) «Барселона» (Испания) B) «Бенфика» (Португалия) C) «Витесс» (Голландия) D) «Интер» (Италия)

4. Европа чемпионлари кубоғи мусобақасига нечанчи йили асос солинган?

- A) 1901 йилда B) 1952 йилда C) 1966 йилда D) 1955 йилда

5. Франция чемпионатининг сўнгги чемпионлигини қўлга киритган жамоа ...

- A) «Лилль» B) «Истр» C) «Монако» D) «Лион»

Эхтиром

Она... Нақадар ёқимли СЎЗ! Қачон оналар ҳақида ёза бошласам, ўзим билмаган ҳолда энтиқиб, беихтиёр кўзларимда ёш ҳалқаланди. Бу сафар ҳам ушбу ҳолат такрорланди.

Билмадим, бу улуг зотлар жисмида пайдо бўлиб, тирикликка даҳил бўлганимиз учунми, мурғак қалбимиз она сийнасида сизиб чиққан олий неъмат

ОНАМАЗОР

дан баҳра топганлиги учунми ёки кечани тонга улаб, мижа қоқмай аллалагани учунми... Бу «учунми»лар шунчалик кўпки, санаб санаюга етмайди.

Ушбу сатр муаллифига «ОНА» сўзи янаям мўътабар, янаям азиз ва улугдир. Чунки ўн икки яшар мурғак қалб шум тақдирдан азият чекиб, мана қарийб ярим асрдан буён ўша буюк зотга интиқ, ўша улуг зотга зор.

Йўлайвер мен сизни, онам, Жисмин ичра жисмисиз қолдим. Умрим бўйи кезсам-да олам, Тополмадим, тентираб толдим.

Ҳа, оналарнинг бетакрорлиги ҳақида ҳали бари-баридан кўп ва хўп сатрлар битилганадир, бу битикларнинг охири, чегараси йўқ.

Оналар ҳақида, уларнинг жасорати, меҳри, тафти, умуман, оналарнинг оналигини ўйласам, кўз ўнгимга беихтиёр Манзура ая келганадир. Ая бундан ярим аср муқаддам балоғатга етиб, ҳам севиб, ҳам севилиб Ашурмат ака билан турмуш қурдилар. Уларнинг ҳаёти бахтли, турмуши ўзгалар орзу қиладиган даражада иноқ эди. Тангрим бу оилага ширин-шакар фарзандлар ато этиб, ҳаётлари яна ҳам тароватли ва лаззатли кеча бошлади.

Афсуски, шафқатсиз ўлим бешта норасидани отасиз қолдирди. Тўнғич ўғли Уткиржон балоғат ёшидан ўтган бўлса-да, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чуқугига тайёр эмасди. Ҳамма қийинчилик Манзура аянинг зиммасига тушди. Турмуш ўртоқ

олмади, аксинча, шафқатсиз бу синов уни тоблади ва аёл боши билан бу жангда голиб келди.

Бугунги кунда Манзура аянинг хурсандчилиги чексиз, беш фарзанди ўнта бўлиб, икки келин, учта кўёв, жажжи-жажжи набиралар атрофида парвона. Уларнинг камоли аяга чексиз хузур-ҳаловат бағишлайди. Фарзандлар ота-она ўғитишдан баҳра олиб, эл-юртига хизмат қилиб, ўз бурчларини адо этаядилар. Иккинчи фарзандлари Эркинхон акаси изидан бориб ички ишлар соҳасида хизмат қилапти. Озодахон ҳисоб-китобга қизиқиб, бухгалтерлик касбини танлаган. Гулчехраҳонга тақдир жажжиларни тарбиялашдек муқаддас касбни насиб қилган, ҳозирги кунда боғча мудиридир. Кенжалари Разнохон ҳам одамларнинг қорига яраб, давлат акциядорлик компаниясида инспектор.

Аянинг фарзандлари қайси соҳада хизмат қилмасинлар, ўзларининг инсонийлиги билан ажралиб турадилар. Бунинг босиси оилага бориб такалади. Қўш уясида кўрганини қилади, деганларидек, оилада инсоний фазилатлар кўртак отди, энди мевасини бермоқда.

Манзура аяга қараб туриб, беихтиёр баъзи енгил табиат, фақат бугунги билан яшаётган, ҳатто жондан азиз фарзандларини тирик етим қилаётган қиссаларга нисбатан нафратим ортади. Ё улар ўзга сайёрадан тушишганими? Ўйлаб-ўйимга етолмайман ва Манзура аяга бўлган ҳурматим янада охири кетади.

Мусоқул УСМОНОВ, профессор

«Хирургик беморлар парвариси» дарслиги янги ўқув йилига муносиб тортиқ бўлди.

БУ НАШРГА ТАЛАБ КАТТА

«Хирургик беморлар парвариси» деб номланган ўқув адабиёти фойдали дарслик сифатида чоп этилган эди. Бундан ўн йил аввал босма юзини кўрган бу кўлланма талабалар, шифокорларга яхши совға бўлган эди.

Бу китобга бўлган талаб ошди. Буни инобатга олиб, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти китобнинг иккинчи нашрини тайёрлади. Яқинда бу дарсликнинг навбатдаги учинчи нашри босма юзини кўрди.

ЯНГИ ЛОЙИХА АСОСИДА

Ўзидан янгрот оҳанглари баралла таратувчи орган чолғу мусика асбоби ўз жозибаси билан ажралиб туради. Ўзбекистон Давлат консерваториясида ҳам бундай ноёб асбоблардан бир нечтаси бор. Улардан бири мусикали студияда жойлаштирилган бўлди. Гап шундаки, олий мусика мактабиде яқин орада мусикали студия ишга тушади.

Консерваториянинг асосий

КЎЛЛАНМА, ҲАМ ДАРСЛИК

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг касб-ҳунар таълими маркази янги ўқув йили олдидан қатор ўқув адабиётларни босмага тайёрлади. «Маънавият асослари» деб номланган дарслик эса кўп нусхада чоп этилади.

ХАРИДОРГИР

«Ўзфармасаноат» концерни томонидан ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Махсулот турларини кўпайтириш мақсадида кон-

ХАРИДОРГИР

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босма-хонасида чиқарилган бу янги дарслик мукамаллиги билан ажралиб туради.

Шуни айтиш керакки, ушбу номда яратилган ўқув кўлланмаси эса бундан аввал касб-ҳунар коллежларига тақдим этилган эди.

ХАРИДОРГИР

«Ўзфармасаноат» концерни томонидан ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Махсулот турларини кўпайтириш мақсадида кон-

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Мамура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.